O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 310309

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 28-mart • Shanba • 37 (27.998) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Бошланғич ташкилотлар ва уларнинг етакчилари тимсолида одамлар сиёсий партияга баҳо беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 27 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси очилди. Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирлик ва идоралларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъуллиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқишдан бошладилар. Сўзга чиққан сенаторлар таъкидлаб ўтдиларки, 2008 йилда бошланган ва амалда дунёнинг барча мамлакатларига дахл этган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам таъсир кўрсатди ва ҳамон ўз таъсирини ўтказмоқда. Шунга қарамай, Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлиги остида ўтказиб келинаётган пухта ўйланган иқтисодий стратегия шарофати билан, ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилишнинг Ўзбекистон модели изчиллик билан рўёбга чиқарилаётганлиги, таркибий тузилишдаги туб ўзгаришларга, иқтисодиётни диверсификация қилиш, мамлакатдаги молия-иқтисод, банк-кредит тизимининг барқарор ва узлуксиз ишлашига доир чора-тадбирлар натижасида инқирознинг оғир оқибатларидан холи қолишга ва иқтисодиётимиз барқарор равишда фаолият кўрсатишига эришишга, унинг изчил ўсиш суръатларини, одамларнинг хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлашга муваффақ бўлинди.

Шу билан бирга жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози чуқурлашиб бормоқда ҳамда кўп жиҳатдан оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган тус олмоқда. Бундай шароитда жаҳон инқирозининг мамлакат иқтисодиётига ва ижтимоий соҳасига салбий таъсирини тамомила бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш устувор вазифа бўлиб қолади.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш — давр талаби» номли маърузасида Инқирозга қарши чораларнинг 2009–2012 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширишни 2009 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналиши сифатида белгилаб берди. Дастурда макроиқтисодий мутаносибликни ҳамда иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлашини таъмин этишга, аҳолини иш билан таъминлаш ва уни самарали тарзда ижтимоий муҳофаза этишга қаратилган чора-тадбирлар, кичик бизнесни, фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш чоралари ва бошқа тадбирлар назарда тутилган. Сенаторлар таъкидлаб ўтганидек, Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш бугуннинг ўзида салмоқли, кўзга кўринарли натижалар бермоқда.

Айни бир вақтда Инқирозга қарши чораларнинг 2009–2012 йилларга мўлжалланган дастурини муваффақиятли тарзда амалга ошириш энг аввало маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, марказдаги ва жойлардаги барча бошқарув, молия, хўжалик юритувчи тузилмаларнинг масъуллиги ҳамда пухта ишлашига боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг махсус тузилган комиссияси томонидан Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари маҳаллий ҳокимият органларининг Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини бажариш соҳасидаги фаолиятини ўрганиб чиқиш шуни кўрсатдики, Инқирозга қарши чоралар дастури бажарилишини таъминлаш юзасидан маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ташкилий чора-тадбирлар комплекси қабул қилинган ҳамда улар рўёбга чиқарилмоқда. Тармоқ ва ҳудудий муаммоларни ҳал этиш юзасидан тегишли дастурлар ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Бир қанча вилоят ҳокимликлари ҳузурида минтақалардаги ижтимоий-иқтисодий вазият ривожи устидан мониторинг олиб борувчи махсус ишчи гуруҳлар тузилган.

(Давоми 2-бетда)

ЎзХДП бошланғич ташкилотларида ҳисобот-сайловлар

ЕТАКЧИ ЭТИБ КИМНИ САЙЛАЙМИЗ?

Бу саволга жавоб топиш ҳар бир партия аъзосига катта масъулият юклайди

Бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш, уларда ички партиявий интизомни мустаҳкамлаш сиёсий партия учун стратегик аҳамиятга эга масаладир. Чунки, партиянинг сиёсий мавқеини ошириш, унинг юқори органлари қарорлари ижросини таъминлаш кўп жиҳатдан БПТ фаолиятига боғлиқ.

Бугун Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг уч юз олтмиш мингдан зиёд аъзоси бор. Улар 10767 та бошланғич ташкилотга бирлашган. Айни кунларда ушбу қуйи ташкилотларда бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларида асосий эътибор нималарга қаратилмоғи керак?

Аввало, ўтган беш йиллик фаолият чуқур таҳлил этилиб, янги вазифаларни аниқ белгилаб олиш, лозим. БПТ раиси фаолиятига холис баҳо бериб, қайта сайлаш ёки унинг ўрнига янги етакчини танлаш масаласига масъулият билан ёндашиш талаб этилади. Қуйи бўғин ишини тўғри ташкил этиш, фаолияти самарадорлигини ошириш етакчиликка кимни сайлашимизга боғлиқ.

2-бет

ЎзХДП ҳаёти

«ҚИШЛОҚ – ВАТАН ТИМСОЛИ»

Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгашининг Поп туманидаги Ғурумсарой қишлоғида ўтказган маънавий-маърифий тадбири шундай номланди.

Тадбир аввалида меҳнат фахрийлари Анорхон Эргашева ҳамда Тўлаган Жўраевлар хонадонларига борилиб, улар аҳволидан хабар олинди.

Туман партия кенгаши раиси Шоирахон Ашурова, қишлоқ оқсоқоли Муҳаммаджон Қобилов, вилоят партия кенгаши раисининг ўринбосарлари Нигорахон Нуралиева, Зафаржон Усмоновларнинг ташрифи кекса партиядошларимизни беҳад шод этди.

— Инсонга аввало қадр-қиммат, меҳр-оқибат ҳам керак, — дейди 9 фарзанд, 47 набира ва 7 эвара даврасида кексалик гаштини сураётган Тўлаган Жўраев. — Пахта яккаҳокимлиги йилларида умримиз далаларда ўтди. Биримиз икки бўлмади. Қанчадан-қанча одамлар мустақиллик, озодликка интиқ бўлиб ўтиб кетди. Мен истиқлол аталмиш улуғ неъматдан баҳраманд бўлганимдан бахтиёрман. Мендек кекса партия аъзосини йўқлаб келгани учун ташкилотимиз фаолларидан миннатдорман.

Тадбир доирасидаги мулоқотда Н.Нуралиева йиғилганларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили Давлат дастурининг мазмуни, партиямиз дастурий мақсадлари қамрови, шунингдек, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг жамиятимизда тутган ўрни ва роли хусусида гапирди. ХДПдан вилоят Кенгаши депутати Ҳакимжон Қобулов жорий йилда амалга ошириладиган ишлар, назарда тутилган мақсадлар ҳақида батафсил тўхталди. Шундан сўнг қишлоқда истиқомат қилувчи Мўйдинжон Маткаримов, Қамбарали Қурбоновлар сўз олиб, ҳамқишлоқларини амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этишга чақирдилар.

Тадбир якунида қишлоқ зиёлиларидан 5 нафарига партияга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КЕНГАШИНИНГ ЎН ТЎРТИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 27 март куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШҲТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги ўн тўртинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этди.

Мажлисда ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси директори М.Субановнинг ШҲТ МАТТ Кенгаши қарорлари ижросининг бориши ҳақидаги ахбороти тингланди, ШҲТ МАТТ Кенгашининг ШҲТга аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашига ШҲТ МАТТнинг 2008 йилдаги фаолиятига доир ҳисоботи лойиҳаси маъқулланди. ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитасининг ўтган даврдаги фаолияти кўриб чиқилиб, ШҲТга аъзо давлатларда «уч ёвуз куч»га қарши кураш ижобий натижалар бергани қайд этилди. Бундай натижаларга эришишда ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш бўйича 2007-2009 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури кенг имконият яратди. Таъкидландики, ШҲТ МАТТнинг режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш борасидаги фаолияти терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш соҳасидаги замонавий таҳдид ва хавф-хатарларни бартараф этиш имкониятини беради.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш бўйича 2010-2012 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури лойиҳаси маъқулланди. У томонларнинг таклифларини ҳамда ШҲТ доирасида янги таҳдид ва хавф-хатарларга қарши кураш масалаларидаги ҳамкорлик ривожининг суръатини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Шунингдек, 2009 йилга мўлжалланган тадбирларни амалга ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Кенгаш ташкилий ишлар ва кадрларга, ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси фаолиятининг молиявий таъминотига ҳамда ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураштаги ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштиришга доир масалалар юзасидан бир қатор қарорлар қабул қилди.

Кенгаш мажлиси ишчанлик ва амалий мулоқот руҳида ўтди.

Ижтимоий ҳимоя — бош масала

МЕҲНАТ БАЙРАМИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва прокуратураси ташаббуси билан 25-26 март кунлари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди.

Унда қуйидаги мутахассисликлар бўйича бўш иш ўринлари тавсия этилди: 668 та ҳайдовчилик, 490 та шифокорлик ва ҳамширалик иши, 400 та муҳандислик, 270 та электромонтажчи, 200 та тикувчи-бичувчи, 120 та ўқитувчи-педагог, 115 та қурувчилик, 110 та чилангар-электрогазпайвандчи, 100 та йигирувчи, 70 та механик, 65 та ҳисобчи, жами 12 минга яқин бўш иш ўринлари таклиф этилди.

2-бет

Ўзликни англаш

МАЪНАВИЯТ ВА ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИ

Миллий ўзлигимизни англаш, бебаҳо маънавий меросимизни асраб-авайлаш ва халқимиз, айниқса, ёш авлод онгу шуурига, қалбига сингдириш борасида амалга оширишимиз лозим бўлган ишларда биз олимлар зиммасига юкланган вазифаларни ҳам чуқур англаб олмоғимиз зарур.

3-бет

БОЛАЛИКНИНГ БЕҒУБОР РАНГЛАРИ

Пойтахтимиздаги Маданият карвонсаройи биносида Тошкент шаҳар Халқ таълими Бош бошқармаси ташаббуси билан мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчилари ўртасида «Қадрдон Тошкентим 2200 ёшда» мавзусида ўтказилган кўрик-танлов қатнашчиларининг расмлар кўргазмаси ташкил этилди.

4-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Шу билан бирга Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг ишида фойдаланилмаётган резервлар ҳам, муайян камчиликлар ҳам бор. Бир қатор вилоят вакиллик ҳокимияти органларида инқирозга қарши чоралар дастурлари маҳаллий ижтимоий-иқтисодий шароитларни инобатга олган ҳолда ўз вақтида муҳокама этилмаган. Айрим маҳаллий ҳокимият органлари ишида расмиятчилик ҳоллари мавжуд, тегишли қарорларни бажариш юзасидан ижро интизоми даражаси паст. Масалани муҳокама этиш аносида сенаторлар шуни таъкидлаб ўтдиларки, мамлакат миқёсида қабул қилинган Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажаришда депутатлар корпусининг, маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъуллигини ошириш Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари фаолиятида энг муҳим устувор йўналиш бўлиб қолмоқда.

Сўзга чиққан сенаторлар миллий иқтисодиётнинг таянч тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, замонавий инновацион технологияларни жорий этишга қаратилган Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини бажариш Ўзбекистон жаҳон бозорида мамлакатимизнинг рақобатбардошлигини таъминловчи янги марраларга чиқишига, иқтисодиётнинг устувор тармоқлари юксалишига, аҳолининг турмуш фаровонлиги сифат жиҳатидан ўсишига кучли туртки беради.

Дастурни бажариш иқтисодиёт ҳар бир субъектининг, мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг муҳим иши бўлиб қолмоғи керак.

Масалани муҳокама қилиш якунлари бўйича Олий Мажлис Сенати тегишли қарор қабул қилди.

Шундан сўнг сенаторлар «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 10 ноябрда қабул қилинган «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2008 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари асосида ишлаб чиқилганлиги қайд этиб ўтилди. Шу Қонун билан «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Банкротлик тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларнинг бир қанча моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ушбу Қонуннинг асосий мақсади «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини кенгайтиришдан ҳамда бўлажак инвесторни қўшимча равишда жалб этиш ҳисобига иқтисодиётнинг реал секторидаги корхоналар молиявий барқарорлигини янада оширишдан иборат. Қонунни сенаторлар маъқулладилар.

Сенаторлар томонидан «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам кўриб чиқилди. Қонун, таъкидланганидек, ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг ўрни қопланишига тааллуқли ҳуқуқи амалга оширилишига кўмаклашишга, иш берувчининг мазкур зарарнинг ўрнини қоплаш харажатлари билан боғлиқ мулкий манфаатларини ҳимоя қилишга, шунингдек, меҳнат шароитларини яхшилаш ва меҳнат хавфсизлигини оширишдан, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касаллигига чалиниш ҳолларини камайтиришдан иш берувчининг иқтисодий манфаатдорлигини оширишга йўналтирилган. Сенаторлар Қонунни маъқулладилар.

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2008 йил 28 ноябрда қабул қилинган Фармони асосида ишлаб чиқилган «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Қонун Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг омонатларини жаҳон молиявий инқирозининг эҳтимолий салбий оқибатларидан ҳимоялашнинг ишончли кафолатларини таъминлайди, аҳолининг мамлакатимиз банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди, аҳоли омонатларини тижорат банкларига жалб қилиш учун қўшимча шароитлар яратади, дея таъкидланди. Киритилаётган ўзгартишларга мувофиқ, хусусан, фуқароларнинг банклардаги омонатлари бўйича тўловлар банклар томонидан тўлиқ ҳажмда тўланади, айни вақтда банклар ночорроқ бўлиб қолган ҳолларда омонатлар бўйича тўловларга доир айрим чекловларни белгиловчи норма чиқариб ташланмоқда. Сенаторлар томонидан Қонун маъқулланди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармонини ижро этиш юзасидан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили тўғрисидаги қонун нормаларини ижро этиш юзасидан миллий қонунчилик базасини ва ҳуқуқни қўлланиш амалиётини такомиллаштиришга, шунингдек, инсон ҳуқуқларига риоя этиш соҳасида омбудсман билан ижро этувчи ҳокимият органлари, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ҳамда ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган.

Шундан сўнг сенаторлар «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Қонундан кўзланган мақсад Ўзбекистон Республикасига инсонпарварлик ёрдамини ҳамда техник кўмаклашиш воситаларини жалб этиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришни такомиллаштириш, уларнинг ягона ҳисобга олиш тизимини, улардан ўз ўрнида ҳамда самарали фойдаланилиши қаттиқ назорат қилиб борилишини таъминлашдан иборат бўлиб, бу вазифалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги зиммасига юклатилиши ҳам белгилаб қўйилмоқда.

Сўнгра сенаторлар «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Қонун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида амал қилаётган давлат стандартлаштириш тизимини халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда янада такомиллаштиришга, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги халқаро стандартлар билан уйғунлаштиришга қаратилган. Унда, хусусан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳузурида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида эксперт комиссиялари ва эксперт кенгашлари, шунингдек, техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизими тузилмасининг узвий қисми сифатида ахборот марказини ташкил этиш назарда тутилган. Сенаторларнинг фикрича, Қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига изчил интеграциялашувига ёрдам беради. Сенаторлар Қонунни маъқулладилар.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида»ги 2008 йил 24 апрелда қабул қилинган Қарори асосида ишлаб чиқилган ҳамда қабул қилинган «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Қонунда мустақил баҳолаш тизимини янада ривожлантириш, баҳолаш хизматларининг профессионал даражаси ва сифатини ошириш, баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини бошқаришнинг самарали усулларини жорий этиш, амалга оширилаётган баҳолаш ишларининг натижалари ва холислиги учун уларнинг масъулиятини кучайтириш, шунингдек, баҳолаш хизматларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш назарда тутилган. Қонунни сенаторлар маъқулладилар.

Сўнгра улар «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66[1]-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Қонун жиноят ишларини тезкорлик билан, самарали тарзда ҳал қилиш учун ярашув институтини такомиллаштиришга, шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотининг мантиқий давоми сифатида жиноят ишлари бўйича суд тартибида иш юритишни янада либераллаштиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг «Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш» деб номланган амалдаги 66[1]-моддаси Жиноят кодексининг ижтимоий хавфи катта бўлмаган 42 та жиноят таркибини ўз ичига олган ўттиз битта моддаси бўйича жавобгарликдан озод қилишни назарда тутади. Кўриб чиқилаётган мазкур Қонун содир этилиш хусусияти ҳамда ижтимоий хавфлилик даражасига кўра Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66[1]-моддасига киритилган жиноятларга ўхшаш яна ўн битта жиноят таркиби бўйича ярашув қўлланилиши муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш мумкинлигини назарда тутмоқда. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенат мажлисида «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги, «Почта алоқаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ташкил этиш тўғрисида»ги 2008 йил 23 июнда қабул қилинган Қарори ижроси юзасидан ишлаб чиқилган «Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн саккизинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни тугади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

(Давоми. Боши 1-бетда)

✓ ЎзХДП бошланғич ташкилотларида ҳисобот-сайловлар

ЕТАКЧИ ЭТИБ КИМНИ САЙЛАЙМИЗ?

бу саволга жавоб топиш ҳар бир партия аъзосига катта масъулият юклайди

Маълумки, 2006 йилда Ўзбекистон ХДП аъзолари қайта рўйхатдан ўтказилди. Бунинг натижасида партия ташкилотлари билан алоқаси узилиб қолган аъзолар сафдан чиқарилди, партиянинг янгиланган мафкураси ва ғояларини фаол қўллаб-қувватлайдиган аъзоларни ташкилий жиҳатдан янада жипслаштиришга эришилди. Шунинг билан бирга, қайта рўйхатдан ўтказиш жараёнида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятига ҳам эътибор қаратилди. Бошланғич ташкилотлар сони 2154 та (17 фоиз)га камайган бўлса-да, бу тадбир қолган 11000га яқин БПТ фаолиятида сифат ўзгаришларига олиб келди.

Бектемир туманидаги Қуювмеханика заводи, Юнусобод туманининг Аҳилобод маҳалласи, Чилонзор туманидаги «Совпласти-тал» корхонаси, Ўзбек Миллий академик драма театри, Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидаги «Китоб темир-бетон буюмлари» корхонаси, Наманган вилоят Стандартлаштириш ва метеорология бошқармаси, Сурхондарё вилоят Молия, ғазначилик ва назорат-тафтиш бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли туманидаги «Найманкўл» овул фуқаролар йиғини, Хоразм вилоятидаги «Урганч-ёғ» акциядорлик жамияти, Бухоро вилоятининг Воб-кент туманидаги Харгўш маҳалла фуқаролар йиғинидаги ва бошқа кўплаб бошланғич ташкилотларимиз фаолияти бунга мисол бўла олади. Улар томонидан аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот, маънавий-маърифий ишларини олиб бориш ҳам анча кучайди. Аммо номи бору ҳаракати йўқ бошланғич ташкилотлар ҳамон оз эмас.

Бу борада айнан, бошланғич партия ташкилотлари ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда янада фаол иштирок этишга, аъзоларнинг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий билимларини доимий равишда ошириб боришга алоҳида эътибор қаратиши лозим.

БПТ электорат орасида доимий иш олиб боришнинг энг асосий воситасига айланмас экан, сиёсий партия кўзлаган мақсадларига эришиши қийин кечади.

Ҳозирги кунда партия Марказий Кенгаши томонидан бошланғич партия ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш борасида кўплаб амалий ишлар қилинаяпти. Бугунги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ўзи БПТ зиммасига катта масъулият юкламоқда.

Бошланғич партия ташкилотлари фаолияти мониторинги, таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, қуйи бўғиннинг фаоллиги, обрўси, таъсири аввало унинг етакчисига бевосита боғлиқ.

Демак, партиямизнинг ҳар бир аъзоси ҳисобот-сайлов йиғилишларида фаол позицияда туриб, партия Дастуридаги ижтимоий йўналтирилган мақсадларни амалга оширишга ўз муносиб ҳиссасини қўша оладиган, атрофдагиларни бунга сафарбар эта олиш қобилиятига эга фаолларни сайлашлари талаб этилмоқда.

Аввало айрим саволларга ўзимиздан жавоб излайлик. Хўш, ҳисобот-сайловда қўл кўтариб овоз бераётган кишига ҳақиқатдан ҳам ишонамизми ёки шунчаки расмиятчилик учун, номига БПТ етакчисини сайлаяпмизми? Унинг ташаббускорлиги, қатъияти, кези келганда манфаатларимизни ҳимоя қила олишига аминмизми?

Замон ўзгараяпти. Аҳолининг онгу тафаккурида туб ўзгаришлар рўй бераяпти, уларнинг фикрлаш тарзи ва дунёқараши, бир сўз билан айтганда, одамларнинг ўзи ўзгармоқда. Бундай шароитда ислоҳотлар мазмунини тўғри англаб, одамларни ўз ортидан эргаштира олиш қобилиятига эга бўлган, ташаббускор, билимли етакчигина ишончни оқлайди. Ҳисобот-сайловларда масаланинг ана шу жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш зарур, назаримизда.

Беҳзод ШУКУРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда)

МЕҲНАТ БАЙРАМИ

Бугун дунёда молиявий-иқтисодий инқироз тобора кучайиб, ҳар куни минг-минглаб иш ўринлари қисқариб бораётган, йирик корхона ва компанияларни иқтисодий-молиявий инқироз бўҳрони тобора ўз домига тортаётган таҳликали бир шароитда мамлакатимизда меҳнат ярмаркалари ташкил этилаётгани кимларнидир ҳайратлантириши мумкин. Лекин бунга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ, албатта. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва изчиллик билан амалга ошириб келинаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар натижасида яратилган шарт-шароитлар бунга асос бўлмоқда. Шу боис дунёда иқтисодий инқироз глобал тус олган ҳозирги вазиятда Ўзбекистонимизда аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилиш борасида жиддий сифат ўзгаришлари кўзга ташланмоқда.

Тошкент шаҳрида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркаси бунинг яна бир ёрқин мисолидир.

Мазкур ярмарка Президентимизнинг **«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тўғрисида»**ги қарорида белгиланган асосий устувор вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда Олий ўқув юртлари, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, Қуролли Қучлар сафидан бўшатилган ҳамда вақтинча ишламаётган меҳнатга лаёқатли фуқароларни касб ва малакалари бўйича иш билан таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 475 та маҳалла фуқаролар йиғинлари мавжуд бўлиб, уларда 20216 нафар вақтинча ишламаётган меҳнатга лаёқатли ҳамшаҳарларимиз бор.

Меҳнат ярмаркасида пойтахтимиздаги 870 та корхона, ташкилот ва муассаса ўзларининг 12 мингга яқин бўш иш ўринлари, жумладан, 222 та иш берувчи корхоналар бевосита иштирок этди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, биргина ободонлаштириш тизимида ишчи ва хизматчиларга бўлган эҳтиёж, яъни бўш иш ўринлари 2800 та экан.

Ярмаркага келганларга қулайлик яратиш мақсадида, ҳар бир туманга алоҳида-алоҳида жой ажратилди. Қаерда қанча бўш ўрин мавжудлиги, улар қандай лавозим эканлиги, маош миқдори батафсил ёзиб қўйилди ва мутасаддилар ярмарка иштирокчиларини керакли маълумотлар билан ўз вақтида таъминладилар.

— Ҳар ойда ҳудудимиздаги корхона, ташкилот ва муассасалар ўзларидаги бўш иш ўринлари ҳақида бизга маълумот беради, — дейди Чилонзор туман бандликка кўмаклашувчи маркази бош мутахассиси Малоҳат Назирбекова. — Бугун ярмаркада 76 та ташкилот иштирок этмоқда. Ушбу тадбир натижасида минглаб одамлар муқим иш жойларига эга бўладилар деб ўйлайман. Бу биз учун нафақат меҳнат ярмаркаси, балки ишларимизни янада такомиллаштириш, замон талаблари асосида қайта ташкил этиш борасида кўргазмали семинар вазифасини ҳам ўтайди десак муболаға бўлмайди.

— Маҳалламиздаги умумий ишсизлар сони 31 кишини ташкил этади, — дейди Янги Камолон маҳалла фуқаролар йиғини раиси Алижон Мадалиев. — Меҳнат ярмаркасига коллежларни битириш арафасида турган ёшларни ҳам жалб этган ҳолда, 35 кишини олиб келдик. Уларнинг кўпчилиги метрополитен, ҳамширалик, касаначилик, педагог-психолог, компьютер ихтисослиги бўйича ишга йўлланма олди. Одамларимиз учун шунчалик катта имкониятлар яратиб берган барча мутасаддиларга миннатдорчилик билдирамиз.

— Мен илгари 22 йил заводда ишлаганман — дейди Миробод туманида яшовчи Муборак Рўзиматова. — Охирги йилларда маълум бир сабабларга кўра ишламаётган эдим. Бу ерга қизим ва келиним билан бирга келдик. Меҳнат ярмаркасида мен каби ёши катталарга ҳам мос ишлар бор экан. Ҳозир «Ўзкимёфарм» корхонасига қадоқловчи вазифасига йўлланма олдим. Эртага бориб иш билан танишаман.

— Бизда 40 та бўш иш ўрни мавжуд эди, — дейди «Байтекс» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси кадрлар бўлими инспектори Дилноза Юсупова. — Тўқувчи ва бўёқчи вазифаларига ишчилар таклиф этмоқдамиз. Икки кун ичида кўплаб мурожаатлар бўлди. Корхонамизда ишлашни хоҳлаганларга йўлланмалар бердик.

Жамиятимизда шундай инсонлар борки, улар ҳамиша алоҳида эътиборга муҳтож. Меҳнат ярмаркасида ногиронларни ишга жалб этиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилди. Улар учун алоҳида иш ўринлари бўлими ташкил этилди.

— Мен Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультети магистрантиман, — дейди II гуруҳ ногирони Эркин Каланов. — Ҳозир бу ерда бўш иш ўринларини кузатаяпман. Боиси шу йил ўқишим якунига етади. Ўз мутахассислигим бўйича ишлашни хоҳлайман.

— Биз ушбу меҳнат ярмаркасида 22 та ташкилотдаги 1327 та бўш иш ўринлари билан иштирок этаяпмиз, — деди Миробод туман бандликка кўмаклашувчи маркази бош мутахассиси Маъмура Исматова.

— Бугун 300 нафардан ортиқ битирувчимизни ярмаркага олиб келдик, — дейди Тошкент радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежи директори Абдурасул Зокиров. — Улар ўз йўналишлари бўйича тавсия этилаётган иш ўринлари ва эгаллаган касб-ҳунарларига меҳнат бозоридаги талабни ўрганмоқдалар.

— Туманимизда биргина енгил саноат соҳаси бўйича 75 та бўш иш ўрни бор, — дейди Собир Раҳимов тумани ҳокими, сенатор Бахтиёр Ҳакимов. — Масалан, «Ёшлик» акциядорлик жамияти 45 та, «Тошкент тола ипаги» масъулияти чекланган жамияти 30 та бўш иш ўрнини тавсия этаяпти. Шунингдек, «Ўзстандарт» агентлиги, ободонлаштириш бошқармаси каби ўнлаб идора, корхона ва ташкилотлар 69 та йўналиш бўйича жами 632 та бўш иш ўринлари билан ярмаркада қатнашмоқда.

Бу тадбир катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга. Бир томондан ҳозир дунё бўйича иқтисодий инқироз кучайган бир пайтда бизда одамлар ишдан бўшатилаётгани йўқ, балки улар учун янгидан-янги иш ўринлари яратилаяпти. Айниқса, кўплаб ёшлар ишга жойлашмоқда, уларнинг эртанги кунга ишончи ортмоқда.

— Мен бу тадбирни ўзига хос меҳнат байрами дегим келади. Ёшларнинг юз-кўзидаги ҳаяжонни, хурсандчиликни қаранг, — дейди 1-Тошкент педагогика коллежи директори Шавкат Қурбонов. — Биз бу ерга 700 нафар ўқувчини олиб келдик. Тўғриси, улар учун ишга жойлашиш муаммоси йўқ. Чунки, турли жойлардан келган бу ёшлар амалиётни ўз туманлари, қишлоқларида ўтказмоқда. Эртага коллежни битиргач, ўзлари яшайдиган жойга бориб ишлашади. Бу ярмаркага келишимиздан мақсад — ёшларимиз меҳнат бозори нима эканини кўзлари билан кўришсин, тушунишсин. Айни чоғда улар қўшимча қандай имкониятлар борлигини ҳам ўрганишади.

Бундай бўш иш ўринлари ярмаркаси, аввало, ёшларимизнинг ижтимоий ҳимоясига хизмат қилади. Қолаверса, бу тадбирнинг сиёсий-ғоявий, тарбиявий жиҳатлари ҳам кўп деб ўйлайман...

Шаҳар прокуратураси ходимларининг айтишича, бу меҳнат ярмаркасига тайёргарлик икки ой олдин бошланган. Туманлар ҳокимликлари вакиллари, маҳаллалар фаоллари билан биргаликда вақтинча ишсиз, уйида ўтирган одамлар аниқланган, турли ташкилот ва корхоналардаги бўш иш ўринлари ўрганилган. Ушбу меҳнатлар туфайли ярмарка ҳақиқий байрамга айланди. Унинг натижасидан ҳамма мамнун бўлди.

Ҳа, халқимиз ҳамиша бир-бирини қўллаб, бир-бирига елка тутиб, ҳамжиҳат бўлиб яшаган. Одамларни иш билан таъминлаш ҳам эзгу амаллардан биридир.

Темур АЪЗАМ, «Ўзбекистон овози» мухбири.
Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

❖ Ўзликни англаш

МАЪНАВИЯТ ВА ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИ

Тарихдан маълумки, моддий ва маънавий бойликларга эга бўлган мамлакатимиз ҳамиша ташқи ғанимлар эътиборини ўзига тортиб келган. Шу боис аждодларимиз кўп босқинларни, синовларни бошидан кечирди. Озодлик, ҳурлик учун тинимсиз кураш олиб боришди. Барча қийинчиликларни енгиб, қутлуғ заминимизни янада обод этиш учун илм-фанда кашфиётлар қилишди, ўлмас адабиёт ва санъат асарлари яратишди, улкан бунёдкорлик ишларини амалга оширишди. Ватаннинг фидойи фарзандлари ўз умрини, ҳаётини эл-юрт ҳимояси ва унинг равнақига бағишлади. Тўмарис, Широқ, Спитамен, Муқанна, Маҳмуд Торобий, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби кўплаб улуғ аждодларимиз жасоратлари бунинг ёрқин мисолидир. Афсуски, мустабид тузум даврида уларнинг ватанпарварлиги, қаҳрамонликлари, бунёдкорлиги ҳақида гапириш, ёзиш тақиқланган эди.

Мустақиллик шарофати билан буюк аждодларимиз номлари тикланиб, тарихий ҳақиқат қарор топди. Уларнинг қаҳрамонона ҳаётлари мисолида ёшларни тарбиялашга эътибор қаратилди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ўзининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» номли асарида бу ҳақда фикр юритар экан, жумладан, бундай дейди: **«Агарки мендан, ҳозирги кунда маънавиятимизни асраш учун нима қилиш лозим ва унга таҳдид соладиган хуружларга нимани қарши қўйиш керак, деб сўраса, мен аввалам-бор шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуғ аждодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур, деб жавоб берган бўлардим».**

Миллий ўзлигимизни англаш, бебаҳо маънавий меросимизни асраб-авайлаш ва халқимиз, айниқса, ёш авлод онгу шуурига, қалбига сингдириш борасида амалга оширишимиз лозим бўлган ишларда биз олимлар зиммасига юкланган вазифаларни ҳам чуқур англаб олмоғимиз зарур. Чунончи, дунё илм-фани, адабиёти, санъатига бебаҳо ҳисса қўшган Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Ҳамадоний, Алишер Навоий, Боборахим Машраб, Нодира, Увайсий, Муҳаммад Раҳимхон Феруз, Сулаймон Боқирғоний, Қозизода Румий каби буюк алломаларимиз қолдирган илмий, маънавий меросни ҳали ўрганилмаган қирралари кўп.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрга оид тарихимизга «маданий мустамлакачилик» соя солди. Бу даврда эрк ва озодликни, илм-фан тараққиётини Муқимий, Фурқат, Аваз Ўтар, Завқий, Аҳмад Дониш, Юсуф Сарёмий, Ҳазиний, Тавалло каби маърифатпарварларимиз тарғиб қилишди. Кейинчалик Абдулла Қодирий, Мунаввар-қори Абдурашидов, Абдулла Авлоний, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир ва бошқалар миллат шаъни, қадр-қиммати, озодлиги йўлида жонларини фидо этишди.

Халқимизда оққан дарё оқаверади, деган ҳикмат бор. Дарҳақиқат, ҳар қандай давр ва шароитда ҳам юртимизда истеъдодли, фидойи кишилар етишиб чиқаверган. Яқин ўтмишдан ҳам бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Иброҳим Мўминов, Ҳабиб Абдуллаев, Саъди Сирожиддинов, Тошмуҳаммад Саримсоқов каби устозлар яратган илмий мактабларни олайлик. Шўро замонидаги турли тўсиқларга қарамай, бу олимлар истеъдоди дунё илм-фан оламида эътироф этилган эди.

Илм-фан муассасалари маънавий юксалишимиз ҳамда миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришда жуда муҳим ўрин тутишини ҳисобга олсак, буюк олимларимиз меросини чуқур ўрганиш ва муносиб ривожлантириш зарурлигига яна бир бор иқрор бўламиз. Бу борада **«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар»** курсида қатор масалаларга эътибор қаратиш зарурлиги белгиланган. Олимларимиз миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришнинг самарали йўлларини тадқиқ қилиб, турли фанлар бўйича миллий истиқлол мафкурасини бойитишга бағишланган тадқиқотлар олиб боришлари, мафкуравий жараёнлар мониторингларини ўтказиб, мафкуравий курашнинг умумбашарий ва минтақавий муаммоларини аниқлашлари, мафкуравий тазйиқларга қарши курашнинг самарали йўлларини ишлаб чиқишлари зарур. Бу йўлда ЎзР ФА қатор институтларида узоқни кўзлаган истиқболли тадқиқотлар асосида методологик билимлар банки шакланмоқда ва улар асосида қўлга киритилган натижалар, услубий тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Фанлар интеграцияси бу борада ҳам жуда қўл келаётганлигини таъкидлаш керак, албатта.

Бугун турли мафкуралар тўқнашуви, ахборот хуружлари кескинлашиб бораётган бир пайтда биз олимлар яна нималарга эътибор қаратишимиз зарур бўлади? Мафкуравий иммунитетни шакллантириш нималарга боғлиқ? Ахборот технологиялари ривожланган бугунги кунда ўзга ҳудудларни забт этиш учун уларнинг аҳолисини йўқотиш шарт эмас. Зеро, онги ва шуури бўйсундирилган, қараш ва кайфиятлари «маъқул» йўналишга солинган, яъни мафкураси ва маънавияти забт қилинган аҳолининг ҳар қандай бойлиги, табиий ресурсларига ҳам эгалик қилиши мумкин бўлиб қолмоқда. Бунга XXI асрнинг дастлабки йилларида юз берган воқеалар мисол бўла олади.

Шунинг учун ҳам мафкура полигонларида синовдан ўтаётган, моҳиятан ғайриинсоний бўлган ғояларга қарши тура олиш учун алоҳида мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш лозим. Иммунитет (лот. Immunitas — озод бўлиш, қутулиш) деганда организмни доимий ички муайянлигини сақлаш, ўзини турли хусусиятларга эга таъсирлардан, уни ташқи инфекциялар кириб келишидан ҳимоя қилишга қодир бўлган реакциялар мажмуи тушунилади. Иммунитет киши вужудини ҳам ифодалайди. Инсоннинг бутун ҳаёти давомида ташқи таъсирларга алоҳида жавоб сифатида орттирилган иммунитет тизими шаклланади. Иммунитет ҳақидаги ана шу тасаввурдан келиб чиқиб, **биринчидан,** инсоннинг кўплаб хусусиятлари туғма бўлишини назарда тутган ҳолда, унинг маънавий иммунитетини шакллантириб бориш талаб этилади. **Иккинчидан,** у ҳар бир авлод учун ўзига хос хусусиятга эга бўлади. **Учинчидан,** иммунитет тизими шаклланган-дагина маънавий ва мафкуравий дахлсизликни таъминлаш мумкин.

Маънавий ва мафкуравий иммунитет тизимининг асосий ва биринчи унсури билимдир. Билимли, мустақил фикрга эга, дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан огоҳ одам ҳеч қачон ёт ғоялар таъсирига тушиб қолмайди. Шу ўринда Президентимизнинг **«...бугунги замон воқеликка очиқ кўз билан, реал, хушёр қарашни, жаҳонда ва ён атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли сабоқларни чиқариб яшашни талаб этмоқда»,** деган фикрларидан хулоса чиқариб олмоғимиз лозим. Бу эса юртдошларимизнинг, айниқса, ёш авлоднинг онгида мураккаб ва таҳликали ҳаёт ҳақида, унинг шафқатсиз ўйинлари тўғрисида бир ёқлама ва сохта тасаввур пайдо бўлмаслиги учун маънавий-маърифий ишларни самарали йўлга қўйишимизни тақозо этади.

Ҳозирги пайтда ҳар қандай таҳликали фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим бўлиб турибди. Шу боис ёшларни турли маънавий тажовузлардан ҳимоя қилиш учун халқимизнинг миллий урф-одатлари, буюк аждодларимиз маънавий меросларидан самарали фойдаланмоғимиз зарур. Иқтисодий тараққиётимиз юксалишида бўлгани каби маънавий-маърифий фаолиятимиз равнақ топишида ҳам илм-фан асосий роль ўйнайди. Ушбу ҳаёт ҳақиқатининг ўзи олимларимиз, илмий тадқиқотчиларимиз зиммасига улкан масъулият юклайди.

Саидахрор ҒУЛОМОВ,
ЎзР ФА вице-президенти,
академик.



ВАЗИР ТАКЛИФИ
парламент эътиборига ҳавола этилди

Литвада наша ўсимлигини саноат ишлаб чиқариши даражасида етиштиришга нисбатан аввалдан амалда бўлган тақиқлов эндиликда бекор қилиниши мўлжалланмоқда. Бундай таклифни мамлакат қишлоқ хўжалиги вазири Казис Старкявичюс парламент эътиборига ҳавола этди, дея хабар беради «Новости» АА.

Вазирнинг айтишича, мамлакатда наша ўсимлигини етиштиришга рухсат бериш орқали ишсизликни камайтириб, аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш мумкин. Унинг таъкидлашича, Литва бевосита аъзо бўлган Европа Иттифоқи қонунчилигига кўра, таркибида гиёҳванд моддаси 0,2 фоиздан ошмайдиган наша ўсимлигининг алоҳида навини экиш мумкин.

Вазирнинг таклифини мамлакат парламенти 9 апрель куни кўриб чиқади. Лекин бу ҳақда ҳозирдан қарама-қарши фикрлар билдирилмоқда.

Дарвоқе, собиқ совет даврида наша ўсимлиги қишлоқ хўжалиги экинларидан бири бўлган. У каноп тола ва каноп мойи олиш учун экилган.

Маълумки, айни дамда Литва жаҳон иқтисодий-молиявий инқирозидан жиддий жабр кўрмоқда. Мамлакатда ишсизлик даражаси ўсиб бормоқда. Бу ўсишни тўхтатиш учун эса турли йўллар қидирилмоқда.

Март охирига келиб Литвада расмий рўйхатдан ўтган ишсизлар сони 194 минг кишига етади.

СУНЪИЙ ЙЎЛДОШНИ УЧИРИШ
тайёргарлиги кетмоқда



АҚШ давлат котиби Хиллари Клинтон Шимолий Кореянинг 4 апрелдан 8 апрелгача бўлган даврда коинотга ракета учириш режасини «бузғунчи қадам» дея баҳолади. Негаки, бу парвоз салбий оқибатларни юзага келтириши мумкин экан.

«Associated Press» АА хабар беришича, КХДР Мусудан бурнидаги парвоз платформасига «Тэпходон-2» ракетасини ўрнатиб, коинотга алоқа сунъий йўлдошини учиришга тайёргарлик кўрмоқда.

АҚШ давлат котибининг айтишича, КХДРнинг ракета учириш режаси БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюциясига зиддир. Агар КХДР ўз режасини амалга оширса Х. Клинтон бу масалани кўриб чиқиш учун БМТга мурожаат этмоқчи.

Айни пайтда АҚШ ва Япония хавфсизлик чораларини кучайтирмоқда. Негаки, Шимолий Корея раҳбарияти ракетанинг учиш ҳудудлари атрофида денгиз ва ҳаво транспорти ҳаракати учун хавф-хатар туғилиши мумкинлигидан халқаро ташкилотларни огоҳлантирди.

КХДР мутахассисларининг ҳисоб-китобларига кўра, ракетанинг биринчи бўлмаси (маълум траекторияда учишни таъминловчи алоҳида қисми) парвоздан сўнг маълум вақт ўтгач, ракетадан ажралиб, Япония қирғоқларидан анча узоққа — 130 километр нарига тушади. Иккинчи бўлмаси эса Япония ҳудудидан ўтиб, Тинч океанига тушади.

Япония ҳукумати баёнот бердики, агар ракета ўз йўналишини ўзгартирса ва мамлакат ҳамда япон фуқаролари хавфсизлигига таҳдид солса, ракетани «тутиб», йўқ қилишга мамлакат хавфсизлик кучлари тайёр ҳолда турибди. Япония радарлари ва Америка сунъий йўлдошлари ракета парвозидан сўнг унинг йўналишини диққат билан кузатади.

ОРТИҚЧА САРФ-ХАРАЖАТЛАР
қатъиян тақиқланади

Венесуэла президенти Уго Чавес жаҳон иқтисодий-молиявий инқирози ҳукм сураётган айни пайтда давлат ғазнасидан ортиқча сарф-харажатларга йўл қўймаслик тўғрисидаги фармонга имзо чекди.

Ушбу фармонга кўра, мансабдор шахслар ва парламент аъзолари давлат юмушлари билан хорижга чиқишлари, марказий ва ҳудудий маъмурият органларининг хизмат автомобилларидан фойдаланиши, янги маъмурий бинолар қурилиши ва таъмирланиши, давлат идораларига компьютер ва бошқа оргтехника воситалари, жумладан, мобиль телефонлари сотиб олиш, интернет тармоғи ва мобиль алоқа хизмати кўрсатувчи компаниялар билан шартномалар тузиш эндиликда фақат мамлакат вице-президенти рухсати билан амалга оширилади.

Ҳатто вице-президент рухсатисиз турли байрамона тадбирлар ўтказиш ҳам тақиқланади.

Бу чора-тадбирлар давлат ғазнасини иқтисод қилиш учун амалга оширилади, дея хабар берди «Маяк» радиоси.

Барча турдаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

«ЕНГИЛСАНОАТСЕРВИС» ШЎЪБА КОРХОНАСИ
қуйидаги объект бўйича танлов савдолари ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

«Тошкент шаҳар, Яккасарой туманидаги «Енгилсаноатсервис» шўъба корхонасининг маъмурий биносини қайта таъмирлаш»

Буюртмачининг белгилаган бошланғич нархи — ҚҚС билан 249 067 244 сўм, ишларнинг тугалланиш муддати — 3 ой.

Лойиҳа ишлари Буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи ва танлов савдолари ташкилотчиси: «Енгилсаноатсервис» ШК

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, старли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилади, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — «Енгилсаноатсервис» ШКга қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиши мумкин: Тошкент шаҳри, Усмон Носир кўчаси, 53 б-уй, тел: 280-50-94.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 100 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин юқоридаги манзилда ўтказилади.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Навоий вилояти ҳокимлиги «Капитал қурилиш инжиниринг компанияси»

Лот-1:
Лот 1-1. «Вилоят ҳокимлиги биносини тўсиқлар билан ўраш»
Лот 1-2. «Вилоят ҳокимлиги биносини реконструкция қилиш»
Лот-2:
Лот 2-1. «Навбаҳор тумани, Митан қишлоғида II тип, 50 қатновли қишлоқ врачлик пункти»
Лот 2-2. «Хатирчи тумани, «Икром Карвон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида II тип, 50 қатновли қишлоқ врачлик пункти»
Лот 2-3. «Хатирчи тумани, «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида II тип, 50 қатновли қишлоқ врачлик пункти»
Лот 2-4. «Хатирчи тумани, А.Ярлақабов маҳалла фуқаролар йиғини «Янги қишлоқ» ҳудудида II тип, 50 қатновли қишлоқ врачлик пункти»
Лот 2-5. «Нурота тумани, «Чуя» қишлоғида II тип, 50 қатновли қишлоқ врачлик пункти»
Лот 2-6. «Кармана тумани, «Кумушкон» қишлоғида II тип, 50 қатновли қишлоқ врачлик пункти»
Лот 2-7. «Томди тумани, «Бирлик» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида I тип, 25 қатновли қишлоқ врачлик пункти»

ОБЪЕКТЛАРИ ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ишларнинг тугалланиш муддати: 4 ой.

Буюртмачи Навоий вилояти ҳокимлиги «Капитал қурилиш инжиниринг компанияси»
Манзили: Навоий шаҳар, Навоий кўчаси, 63.

Лойиҳани молиялаштириш: бюджет ва қишлоқ тараққиёти фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ва мутахассислар захираларининг мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Навоий вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича: *Навоий шаҳар, С.Айний кўчаси, 32-уй, тел: (436) 225-53-85 мурожаат қилишлари мумкин.*

Ҳужжатлар бир тўплами (комплект) қиймати: — 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

Соғлиқни сақлаш бошқармалари, давлат идоралари, ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИНИНГ
2008-2009 ўқув йилида таълим йўналишлари бўйича Давлат грантлари асосида таҳсил олган битирувчилари ҳақида маълумот.

I. Магистратура йўналишлари бўйича:
1. Кардиология — 1 та, Наманган вилояти, Уйчи тумани
2. Ички касалликлар (терапия) — 1 та, Наманган вилояти, Чуст тумани
3. Психиатрия — 1 та, Наманган вилояти, Наманган шаҳри
4. Онкология — 1 та, Наманган вилояти, Наманган тумани
5. Акушерлик ва гинекология — 1 та, Андижон вилояти, Асака тумани
6. Нейрожарроҳлик — 1 та, Андижон вилояти, Андижон тумани
7. Болалар юқумли касалликлари — 1 та, Андижон вилояти, Хўжаобод тумани
8. Педиатрия — 1 та, Андижон вилояти, Андижон шаҳри
9. Болалар юқумли касалликлари — 1 та, Андижон вилояти, Андижон тумани
10. Гематология — 1 та, Андижон вилояти, Асака шаҳри
11. Гематология — 1 та, Андижон вилояти, Андижон тумани
12. ЛОР — 1 та, Андижон вилояти, Андижон шаҳри
13. Невропатология — 1 та, Андижон вилояти, Избоскан тумани
14. Жарроҳлик — 1 та, Фарғона вилояти, Учқўприк тумани
15. Болалар жарроҳлиги — 1 та, Фарғона вилояти, Бешариқ тумани

II. Даволаш факультети бўйича — 60 та
Шу жумладан вилоятлар бўйича:
Андижон — 20 та
Фарғона — 31 та
Наманган — 8 та
Тошкент — 1 та

III. Педиатрия факультети бўйича — 99 та
Шу жумладан вилоятлар бўйича:
Андижон — 31 та
Фарғона — 50 та
Наманган — 18 та

IV. Олий малакали ҳамширалик иши бўйича — 10 та
Шу жумладан вилоятлар бўйича:
Андижон — 9 та
Фарғона — 1 та

V. Тиббий педагогика факультети бўйича — 11 та
Шу жумладан вилоятлар бўйича:
Андижон — 3 та
Фарғона — 4 та
Наманган — 3 та
Тошкент — 1 та

Институт маъмурияти

❖ Кўргазма

БОЛАЛИКНИНГ БЕҒУБОР РАНГЛАРИ

Пойтахтимиздаги Маданият карвонсаройи биносида Тошкент шаҳар Халқ таълими Бош бошқармаси ташаббуси билан мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчилари ўртасида «Қадрдон Тошкентим 2200 ёшда» мавзусида ўтказилган кўрик-танлов қатнашчиларининг расмлар кўргазмаси ташкил этилди.

Болаларда Тошкентимиз тарихига қизиқиш уйғотиш ва Ватанга бўлган меҳр туйғуларини янада ўстириш мақсадида ўтказилган бу танловда мактабгача тарбия муассасалари болалари ўзлари чизган расмлар билан қатнашди. Туман босқичларида саралланган 338 та болалар ижодий иши шаҳар босқичига тавсия қилинди. Кўрик танлов ҳайъати аъзолари улардан 159 тасини кўргазмага қўйишни лозим топди.

Расмлар кўргазмасини кўздан кечирар экансиз, атрофимиздаги гўзаллик болаликнинг беғубор рангларида ифода этилганидан дилингиз яйрайди. Капалакдан қуёшгача, шовуллаётган фавворадан баланд биноларгача, шар кўтарган болакайдан самода парвоз этаётган учувчигача... Ҳар бир расм болаларча самимият билан чизилган.

— Иқтидорли болаларимиз жуда кўп экан, — дейди Тошкент шаҳар Халқ таълими Бош бошқармаси мактабгача тарбия бўлими мудири Дилобар Зайниддинова. — Танлов ҳайъати кўз ўнгида болалар шундай ажойиб расмлар чизишдики, уларнинг ранг танлаши ва мавзулари бизни ҳайрон қолдирди.

Танлов совриндорларини тақдирлаш куй-қўшиқ билан бошланди. Айниқса, Юнусобод туманидаги 304-мактабгача тарбия муассасаси тарбияланувчилари ижро этган миллий рақслар барчада кўтаринки кайфият уйғотди. Шундан кейин, чизган расмлари ҳайъат томонидан эътироф этилган болаларга ва болаларни ижодкорлик руҳида тарбиялашда намуна бўлаётган тарбиячиларга эсдалик совғалари топширилди.

— Катта бўлсам баланд-баланд уйлар қурадиган архитектор бўламан, — дейди танловда 3-ўринни олган Миробод туманидаги 247-мактабгача тарбия муассасаси тарбияланувчиси 6 ёшли Диана.

Ҳа, бугун атрофимиздаги гўзалликни беғубор рангларда ифодалаётган болаларимиз келажакда улғайиб, пойтахтимизнинг янада гўзал ва фаровон бўлишига ўз ҳиссаларини қўшишади. Чунки, барча буюк ишлар эзгу ниятлардан бошланади. Болалар расмлари кўргазмаси ана шундай эзгу ниятларга йўғрилган десак сира муболаға бўлмайди.

Асрор МЎМИН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: *болалар расмлари кўргазмасига бағишланган тадбирдан лавҳалар.*

Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган суратлар.

❖ Огоҳлик

МУҲОФАЗА ТАДБИРЛАРИ

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси пойтахтимиз аҳолиси хавфсизлигини таъминлаш, шаҳар ҳудудида рўй бериш эҳтимоли бўлган табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, оқибатларини бартараф этиш ва бундай вазиятларда аҳолини тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш мақсадида зарур тадбирларни амалга оширмоқда.

Навбатдаги машғулотлар пойтахтнинг етакчи корхоналаридан бири — «Файз» холдинг компанияси ОАЖда бошланди. «Сув тошқини хавфи мавжуд бўлганда объектнинг ишлаб чиқариш жараёни тўхтатилиши ва ишчи-хизматчиларни хавфсиз жойларга эвакуация қилиш тадбирларини амалга ошириш махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди. Унга кўра, қирқ беш дақиқа ичида корхона ишчилари махсус бириктирилган автобусларда зудлик билан хавфсиз жойларга кўчирилди. Шундан сўнг корхонада рўй берган «ёнғин» қисқа дақиқалар ичида етиб келган ўт ўчирувчилар томонидан бартараф этилди. Корхонага тегишли бўлган моддий товар бойликлар ва архив материаллари тезда юк машиналарга юкланиб, олиб чиқиб кетилди.

Сергели туманидаги «Янги ҳаёт» маҳалласи аҳолиси ҳамда 7-, 174- ва 2-мактаблари ўқувчи ва ўқитувчиларини сув тошқини хавфи мавжуд зонадан хавфсиз ҳудудга эвакуация қилиш бўйича ҳам махсус-тактик ўқув машқи бўлиб ўтди.

Машқлар якунига етгач, маҳалла раиси ва туман халқ таълими бўлими раҳбари билан суҳбатлашдик.

— Махсус-тактик ўқув машқи бошланишидан бир неча кун олдин маҳалла аҳолисини огоҳ этганимиз туфайли уларни тадбирга жалб этиш бизлар учун унчалик қийин кечмади, — дейди «Янги ҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муаззам Холбобоева.

— Туманимиздаги мактаблар ва 236- мактабгача таълим муассасасида бу тадбир жуда яхши ўтди, — дейди Сергели туман халқ таълими бўлими раҳбари Муаззам Ғанихўжаева. — Биз фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш қоидаларига доир муайян кўникмалар ҳосил қилдик.

Шошилинч вазиятларда автоуловларнинг хизматга шайлиги нечоғли муҳимлиги шу куни ўтказилган саф кўригида маълум бўлди. Сергели туман ҳокимлиги, фуқаро муҳофазаси кучлари ва бошқа хизматлардан жами 477 нафар ходим ва 111 та автоулов жалб этилди.

Шунингдек, тадбирнинг иккинчи куни «Тошкент тола» ОАЖ, «Баракат Альфа» МЧЖ, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАКга қарашли «Сергели» аэропортида махсус-тактик ўқув машқлари ўтказилди.

– Туман ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигимиз яхши самара бермоқда, — дейди Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи лавозимини вақтинча бажарувчи Қобилжон Турсунов. — Энг муҳими, тадбирни ташкил этишдан олдин вазиятни аниқ баҳолаш, тўғри қарор қабул қилиб, ишни мувофиқлаштириб бориш машғулотлар савиясини белгилайди.

Азамат СУЮНОВ

Суратларда: *тадбирдан лавҳалар.*

❖ Спорт

БОКС МАРКАЗИ

Бухорода замонавий спорт мажмуалари яна биттага кўпайди. Наврўз тантаналари давом этаётган бир пайтда шаҳарнинг энг сўлим даҳаси — Дилкушода халқаро андозаларга тўла жавоб берадиган бокс маркази фойдаланишга топширилди.

— Илгари боксчи ёшлар шуғулланадиган махсус маскан йўқ эди, — дейди «Бухоро» спорт мажмуаси директори, ҲДП фаоли Раҳим Ҳайдарзода. — «Дилкушо» бокс маркази ана шундай маскан бўлди. Унда нуфузли мусобақалар ҳам ўтказиш мумкин. Ҳозир бу ерда 400 нафар ёш шуғулланмоқда. Ўйлайманки, улар орасидан кўплаб машҳур боксчилар етишиб чиқади.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ГРОССМЕЙСТЕРЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Пойтахтимизда биринчи ўзбек гроссмейстери Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган 3-халқаро мусобақа ниҳоясига етди. Унда 7,5 очко тўплаган россиялик гроссмейстер Виталий Цешковский ғолиб чиқди. Иккинчи ўрин мусобақанинг ўтган йилги ғолиби тожикистонлик гроссмейстер Фаррух Амонатовга насиб этди — 7 очко. Учинчи ўринга 6,5 тадан очко жамғарган 7 қатнашчи орасидан қўшимча кўрсаткичларга кўра умидли гроссмейстерларимиздан бири Антон Филиппов кўтарилди. Мусобақада иштирок этган 17-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов 6 очко (3 та ғалаба, 6 та дуранг) билан 10-ўриндан жой олди.

Шубҳасиз, ушбу халқаро мусобақа гроссмейстерлар билан юзма-юз дона сурган ёш шоҳмотчиларимиз учун тажриба мактаби вазифасини ўтади.

(Ўз мухбиримиз)

Азиз ватандошлар ва юртимиз меҳмонлари!

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНК

«ПАХТАБАНК»ДАН

янги имкониятлар таклифи

Энди Сиз VISA Cardни «Пахтабанк»да олишингиз ҳамда дунё бўйлаб молиявий эркинлигингизни, ижтимоий фаровонлик ва ишончли келажагингизни қўлга киритишингиз мумкин!

Visa Electron — дунё амалиётида қулай бўлган тўлов карта бўлиб, илк бор тўлов картасини қўллаётган истеъмолчилар ҳамда чекланган даромадли мижозлар, талабалар учун, ёшлар учун таклиф этилади.

Visa Classic — университет тўлов картаси ҳисобланиб, бутун дунёнинг ҳамма банкоматларида, реал ва виртуал дўконларида ҳамда телефон ва почта хизмати орқали маҳсулотларни харид қилиш дўконларида фойдаланиш учун қулайдир.

Visa Gold — энг нуфузли тўлов карта ҳисобланиб, бошқа хизматларга қўшимча равишда Сизга дунё бўйлаб саёҳатга чиққанингизда лозим бўлган ҳолларда тиббий ёрдам ва юридик хизматлари кўрсатилади.

Visa Cardларга эга бўлишингиз учун «Пахтабанк» филиалларига мурожаат қилинг.

Маълумот учун телефонлар: 150-53-43, 150-85-27

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 249
17081 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 02.20
Topshirilgan vaqti — 02.50

Sotuvda erkin narxda